

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВА МАХФУРАТ ЭСАНОВНА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ
ОШИРИШДА ДАРОМАДНИНГ РОЛИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата дессертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Эгамова Махфурат Эсановна

Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг
роли

Эгамова Махфурат Эсановна

Роль дохода в повышении уровня капитализации коммерческого банка ...

Egamova Mahfurat Esanovna

The role of income in raising the level of capitalization of commercial banks

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қоралиев Тўрабой Маматқулович
иқтисодиёт фанлари номзди, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимжонов Одил Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Бердияров Бахриддин Тавашарович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.н.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро молия-кредит муносабатлари ва дунё иқтисодиётининг глобаллашуви, шунингдек халқаро ва маҳаллий доирада банклар ўртасида рақбатнинг кескинлашуви уларнинг капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб масалаларини юзага чиқармоқда. Чунки, капитал банклар фаолиятида кутилмаганда вужудга келиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя қилиш ва актив операциялари бўйича тегишли меъёрларни аниқлашда асосий молиявий манба ҳисобланади. Халқаро амалиётда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг бу масалага жиддий эътибор берилишига қарамасдан қатор муаммоли ҳолатлар юз бермоқда. Хусусан, “халқаро Базел қўмитаси 2019 йилда капиталнинг консервацион буферини 1,8 фоиздан 2,5 фоизга, асосий капиталга бўлган талабни 6,3 фоиздан 7,0 фоизга, умумий капиталга бўлган талабни эса 9,8 фоиздан 10,5 фоизга оширганлиги”¹, бундан ташқари банклар томонидан операцион риск талабларини бузганлиги учун қўлланилган жарималар 58 млрд. евро ва 65 млрд. еродан ошганлиги² бу масаланинг янаям жиддийлигидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро Базель қўмитаси, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа йирик халқаро молиявий ташкилотлар томонидан тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу илмий тадқиқотларда банклар капитали элементлари, етарлиликка қўйилган меъёрий талаблари каби масалалар очиқ берилган. Лекин ушбу тадқиқотларда тижорат банклари акцияларининг олди-сотдиси ва баҳосининг шаклланишида очиқлик ва шаффофлик, тижорат банклари қўшимча капитал манбасининг заифлиги ва уни шаклланишига таъсир этаётган омиллар, банк жами капитали ўсиш даражасининг ЯИМга нисбати, банклар капитали таркибида давлат улушининг юқорилиги каби масалалар етарлича очиқ берилмаган. Хусусан, тижорат банклари капиталлашув жараёнида фоизли даромадларнинг роли илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқотларни бажариш зарурлиги шулар жумласидандир. Бу ўз навбатда тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган самарали иқтисодий ислохотлар тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, хусусан, банкларнинг капиталини барқарор манбалар ҳисобидан ошириш, бунда даромад (фойд)нинг родини ошириш, банклар капитали таркибида давлат улушини камайтириш, банкларнинг акцияларини аҳоли ва юридик ташкилотларга сотиш механизмини жорий этиш ва шаффофлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга асосий

¹ Basel Committee on Banking Supervision. Basel III transitional arrangements, 2017-2027 https://www.bis.org/bcbs/basel3/b3_trans_arr_1727.pdf

² Basel Committee on Banking Supervision. Finalising Basel III, In brief. https://www.bis.org/bcbs/publ/d424_inbrief.pdf

этибор қаратилмоқда. Бунда тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимини топиш муҳим масалаларидан бири этиб белгиланган. Хусусан “Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда³”. Тадқиқот иши доирасида мазкур муаммоларнинг ечимлари ҳамда банклар ўртасида соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қиладиган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 сентябрдаги ПФ-5308-сонли «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари капиталининг моҳияти, таркиби унинг етарлилиги ва капиталлашув даражасини такомиллаштириш масалалари хорижлик классик ва замонавий иқтисодчи олимлар – А.Смит, К.Маркс, И.Трахтенберг, С.Лукаш, В.Киселев, О.Лаврушин, Ж.Матук, Дж.Барлтон, Д.Мак-Ноттон, Э.Ридларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ қилинган.⁴

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/>

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народа. – Петрозаводск.: 1993. - С.271. Маркс К. Капитал. Критика политической экономики. - Т3 КН 2 М.: 1989. – С.442. Трахтенберг И. Денежное обращение и кредит при капитализме. – Москва.: 1962.- С.547. McLeod .The Theory of credit. London.- 1897у С.Н. Лукаш, А.А. Малютин «Банковская энциклопедия». Днепропетровск 1994. С-24 Банковское дело под ред. Проф. И.О.Лаврушина М- «Ф и С» 2001г. С-74. В.В Киселев. «Управление банковским капиталом» Москва « Экономика» 1997. С-18. Жан Матук. «Финансовые системы Франции и других стран» 1том перевод с англ. Москва «Финстатикформ» 1994г С-25. Э.Рид, Котлер, Э.Гилл ва Р.Смит Коммерческие банки. перевод с англ. М. «Прогресс» 1933г. С-189 Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание второе , Москва Книжный мир 2006 г С-299. Крис Дж Барлтон ва Д Мак-Ноттон « Банковские учреждения в развивающихся странах» , 2 том. Всемирный банк Вашингтон, Д.С 1992г. С-101.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев, А.Омонов, У.Ортиқовларнинг илмий ишларида банк капиталининг алоҳида жиҳатлари тадқиқ қилинган.⁵

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодий модернизація қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тижорат банклари капиталлашуви жараёнида даромадлар ролини оширишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари капитали ва капиталлашуви жараёнининг назарий асосларини қиёсий тадқиқ қилиш;

тижорат банклари капиталлашуви даражасининг даромадлар билан алоқадорлигини тадқиқ этиш ва баҳо бериш;

тижорат банклари капиталлашув даражасининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва тавсияларни шакллантириш;

тижорат банклари капиталлашувига йўналтирилган даромадлар динамикасини таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш;

тижорат банклари капиталлашув жараёнида даромаднинг ролини эмперик таҳли этиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари капиталлашув даражасини даромадлар ва бошқа барқарор манбалар орқали ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон тижорат банкларининг капиталлашув жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари капиталлашув жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш, таркибий, қиёсий, омилли таҳлил усуллари ва молиявий коэффициентлар усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари даромадлари таркибида фоизсиз даромадлари улушининг юқорилиги уларнинг капиталлашуви даражасини оширишга таъсири аниқланиб, банкларнинг фоизли даромадларини юқори рискли активлар, хусусан реал секторга берилаётган кредитлар ва инвестициялар ҳисобидан ошириш таклиф этилган;

банкларнинг активлари таркибида фьючерс ва РЕПО операцияларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш орқали даромадларни ошириш

5 Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиқов. «Банк ресурслари ва уларни бошқариш» Тошкент. Иқтисод-Молия, 2009йил Б-48-49.

асосланган;

тижорат банклари харажатлари таркибида операцион харажатлар улушини банк рақамли хизматлари сифати ва турларини кўпайтириш ҳисобидан камайтириш асосида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш таклиф этилган;

тижорат банклари капитали таркибида акцияларини сотиш ва сотиб олиш ҳамда бозор баҳосини шаклланишининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш услуги такомиллаштирилган;

тижорат банклари капиталини босқичма-босқич диверсификациялаш орқали давлат улушини камайтириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тижорат банклари даромдлари таркибида фоизли даромадларни юқори рискли активлар, хусусан реал секторга берилаётган кредитлар ва инвестициялар ҳисобидан ошириш таклифи амалиётда жорий этилиши банкларнинг капиталлашув даражасини ошишига олиб келган;

тижорат банклари харажатлар таркибида операцион харажатлар улушини банк рақамли хизматлари сифати ва турларини кўпайтириш ҳисобидан камайтириш хусусидаги таклифи уларнинг харажатларини камайтириш ва фойдасини ошишига ижобий таъсир кўрсатган;

тижорат банклари капитали таркибида қўшимча капитал улушини ошириш зарурлиги асослаб берилган, хусусан банкларнинг акцияларини сотиш ва сотиб олиш ҳамда бозор баҳосини шаклланишининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳақидаги таклифи аҳолининг банкларга нисбатан ишончини ортишига ва қўшимча капитал манбасини шакллантиришга имконият яратган;

тижорат банклари капиталини босқичма-босқич диверсификациялаш орқали давлат улушини камайтириш зарурлиги ҳақидаги таклифи амалиётга жорий этилиши натижасида банк хизматларининг сифатини ошишига ва уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг ролини тадқиқ қилишга назарий ва амалий муаммоларига бағишланган маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий қарашларини тадқиқ қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, мамлакатимиз йирик тижорат банклари ҳисобот ва маълумотларини таҳлили билан белгиланади.

Олинган натижаларнинг ишончилиги тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишга қаратилган назарий ва амалий муаммоларга бағишланган тадқиқотчи муаллифларнинг илмий қарашларини ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, тижорат банклари молиявий ҳисоботлари ва статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш ва амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг ролини аниқлашда, усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда, шунингдек бу борада амалга оширилаётган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, тижорат банклари капитали барқарорлигини ошириш ва унинг таркибида давлат улушини камайтириш амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг фоизли даромадларини юқори рискли активлар, хусусан реал секторга берилаётган кредитлар ва инвестициялар ҳисобидан ошириш бўйича таклифи АТ “Агробанк“ томонидан амалиётга жорий этилган (АТ “Агробанк“нинг 2019 йил 28 майдаги 04-25/241-сон маълумотномаси), бунинг натижасида банк капиталини 11293 млн. сўмга ошишига эришилган;

банкларнинг активлари таркибида фьючерс ва РЕПО операцияларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш орқали даромадларни ошириш бўйича таклифи АТ “Агробанк“нинг 2018 йил 7 январдаги 7 сонли “Банк хизматлари ва турлари ва уларнинг сифатини ошириш тўғрисидаги” Низомида ўз аксини топган; (АТ “Агробанк“нинг 2019 йил 28 майдаги 04-25/241-сон маълумотномаси) ушбу таклиф жорий этилиши натижасида банкда фьючерс ва РЕПО операцияларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш имконияти яратилган;

тижорат банклари харажатлар таркибида операцион харажатлар улушини банк рақамли хизматлари сифати ва турларини кўпайтириш ҳисобидан камайтириш асосида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш таклифи АТ “Агробанк“ амалиётга жорий этилган. (АТ “Агробанк“нинг 2019 йил 28 майдаги 04-25/241-сон маълумотномаси), бунинг натижасида банк харажатлари 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 7-8 фоизга қисқарган ва бу ўз навбатида банк фойдасига ижобий таъсир кўрсатган;

тижорат банклари капитали таркибида акцияларини сотиш ва сотиб олиш ҳамда бозор баҳосини шаклланишининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш услуги такомиллаштириш таклифи АТ “Агробанк“ амалиётга жорий этилган. (АТ “Агробанк“нинг 2019 йил 28 майдаги 04-25/241-сонли маълумотномаси) бунинг натижасида 2018 йил 1 январь холатига жисмоний шахсларга сотилган оддий акциялар суммаси 255 млрд. сўмни ташкил этган ва 2019 йил 1 январь холатига 110 млрд. сўмга ошишига эришилган;

тижорат банклари капиталини босқичма-босқич диверсификациялаш орқали давлат улушини камайтириш таклифи “Агробанк“ томонидан амалиётга жорий этилган. (АТ “Агробанк“нинг 2019 йил 28 майдаги 04-25/241-сон маълумотномаси) бунинг натижасида банк капитали таркибида давлатнинг улуши йиллик 20 фоиздан камайтириб боришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 4 та республика ва 1 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, наشر қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг **“Тижорат банклари капиталлашув даражаси ва даромадлар ўртасидаги алоқадорликнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида муаллиф тижорат банклари капитали ва унинг капиталлашув даражаси тўғрисидаги назарий қарашларни ўрганиб чиққан, ҳамда тижорат банклари капиталлашув даражасининг даромадлар билан алоқадорлиги эътироф этилган

Тижорат банклари фаолиятини сармоясиз, яъни етарли даражада капиталлашувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис тижорат банклари капитали дастлаб банкларни очиш жараёнида, кейинчалик эса Марказий банкнинг иқтисодий нормативларини бажаришда асосий мезон ва банк фаолиятида қутилмаганда вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплашда “ҳимоя ёстиқчаси” сифатида муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу масалалар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитида ҳам энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай экан банк капиталининг моҳиятини қиёсий тадқиқ қилиш, уни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва монандлигини таъминлаш масаласи доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Бугунги кунда ҳам банк капиталининг моҳияти юзасидан иқтисодий адабиётларда турлича талқинларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда ушбу иқтисодий тушунча тўғрисида тўлиқроқ тўхталиб ўтмоқчимиз.

Хусусан, ҳозирги кунга қадар банк капиталининг иқтисодий моҳияти, функциялари ва манбалари тўғрисида ягона ёндошувга келингани йўқ. Фикримизча, бунинг асосий сабаби бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва молиявий муносабатлар мавжуд ресурслар ва анаъаналар таъсирида доимий равишда ўзгариб боради. Бу ўз навбатида банк капитали, капиталлашуви ва бошқа жараёнларида акс этмасдан қолмайди. Жумладан, А.Смит «Банк - алоҳида олинган иш юритувчиларнинг жамият учун фойдали ниҳоятда қимматли ҳисобланган лекин улар учун вақтинчалик фойдаланилмаётган ўлик капиталини актив ва ишлаб чиқарувчи капиталга айлантиради»⁶ деб таърифлаган.

Демак банклар ҳаракатсиз капитални ҳаракатга келтиради, жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшувчи янгидан қиймат яратувчи кучга айлантиради.

⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народа. – Петрозаводск.: 1993. - С.271.

Пулдор иш юритувчилар ўзларининг вақтинча бўш маблағларини тўғридан-тўғри унга муҳтож бўлган капиталистларга ажратишлари ҳам мумкин эди, лекин бу жараён банклар орқали амалга оширилиши натижасида «инвестиция рисклари қайта тақсимланади».

Демак банклар иш юритувчиларнинг вақтинча бўш турган маблағларини тўплаб, уларни капиталга яъни янгидан қиймат яратувчисига айлантириш орқали инвестиция рискларини ўзларига қабул қиладилар.

К.Маркс банкларнинг моҳиятига таъриф бериш жараёнида уларнинг ўз қўлларида катта миқдорда ссуда капиталини жамғаришларини алоҳида эслатиб ўтган.⁷ Шунингдек, К.Маркс ҳам ўзининг машхур «Капитал» номли асарида банклар фаолиятида уларнинг ўзига хос хусусиятлари тақозосида яъни, банклар савдо ва саноат капиталининг жамғармаларини тўплашлари эвазига уларда ссуда капитали пайдо бўлишини таъкидлаб ўтган.⁸

Профессор И.Трахтенбергнинг фикрича ҳам банклар капитал яратувчи ташкилот ҳисобланади. Ўз фаолиятида улар капитални ташкил этиш ва уни тўплаш жараёнларини тезлаштиради ҳамда капитални қайта тақсимлайди.⁹

Ўтган асрнинг 30 йилларида олмон олимларидан А.Ганн капиталнинг пайдо бўлиши фақат жамғариш эмас, балки кредитлар ажратилишининг натижаси эканлиги, кредит ажратиш жараёни капитални ташкил этилишига нисбатан биринчи даражали ҳисобланиши тўғрисида фикр юритган.¹⁰

Бу ерда банклар кредит ажратишлари эвазига олинган даромадлари ҳисобидан банк капиталининг кўпайиб бориш жараёни кўзда тутилган. Албатта банкнинг дастлабки капитали унинг таъсисчилари маблағлари эвазига ташкил этилади, лекин унинг ўсиб боришида кредитлар ажратиш жараёнида ҳосил бўладиган фоизли даромадларининг ўрни ҳам беқиёс эканлигига эътибор қаратилмоқда.

Масалан рус иқтисодчилари томонидан тайёрланган “Молия-кредит луғати”да “Банк капитали – капиталистик банклар томонидан жалб қилинган кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни бажаришда фойдаланиладиган капитал маблағлар йиғиндисидир”¹¹ деган таъриф келтирилган. Демак, банк капитали нафақат унинг ўз маблағлари, балки шу билан бирга четдан жалб этилган маблағлардан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари банк фаолиятини бошлаш учун зарур бўлган асосий восита, ишчи кучи учун сарфланадиган маблағлар ҳам банк капитали ҳисобидан амалга оширилади ва улар ҳам келгусида кўшимча даромад келтирилиши учун хизмат қилади.

⁷ Маркс К. Капитал. Критика политической экономики. - Т3 КН 2 М.: 1989. – С.442.

⁸ Маркс К. Капитал. Сиёсий иқтисод танқиди. – Москва.: Т3, 1989. – Б 442.

⁹ Трахтенберг И. Денежное обращение и кредит при капитализме. – Москва.: 1962.- С.547.

¹⁰ Hafin A. Volkswirtschaftliche Theorie des Bank credits. – Berlin.: 1930. – P.120.

¹¹ Финансово кредитный словарь. Москва, Финансы и статистика, 1984 г 1 том С-112.

Банк капитали тўғрисидаги бир томонлама қарашлар Америкалик олимлар Крис Дж Барлтон ва Диана Мак-Нотон томонидан ҳам билдирилган. Уларнинг фикрича банк капитали банк фаолиятида юзага келадиган турли хил кўзда тўтилмаган ҳолатларнинг олдини олиш учун етарли резерв бўлиши билан бирга, ўзгарувчан шароитга мослашишида юзага келадиган тўловга қобилиятсизликни бартараф этишга ёрдам бериши билдирилган¹². Бу фикрга биз қисман қўшилган ҳолда банк капиталининг фаолияти асоси ва фаолиятини мувофиқлаштирувчи хусусиятини назардан четда қолганлигини эътироф этмоқчимиз.

Профессор И.О. Лаврушин банк капиталига қисқача қилиб «ҳимоя ёстиги» - сифатида таъриф берган. Бу ерда ҳам юқоридаги фикрлар каби банк капиталига банк агарда кутилмаганда зарар кўрадиган бўлса, уни қоплаш ва тўлов қобилиятини тиклаш учун ҳимоя воситасини ўташи нуқтаи назарида тутилган.¹³

Ўзбек иқтисодчи олимлари А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар капиталнинг иқтисодий мазмунига: “Фирма ишини ташкил этиш ва юргизиш туриш учун зарур бўлган ва фойда топишни мўлжаллаган маблағи унинг капитали бўлади”¹⁴ деб қайд этишади. Бу ерда олимларимиз ҳақиқатдан ҳам капиталининг энг аввало иш юритиш жараёнини ташкил этиш учун зарурлигини таъкидлаб ўтишган. Ўша ерда яна “фирма ташкил этиш чоғида унга қўйилган пул устав капитали деб юритилади. Бу пул даромадни капиталга айлантириш натижасида кўпайиб боради”¹⁵ дейилган. Биз олимларимизнинг юқоридаги капиталнинг олинган фойда ҳисобидан ортиб бориши тўғрисидаги фикрларига қўшилган ҳолда шу билан бирга устав капитали фирманинг қимматбаҳо қоғозларини фонд биржаларида сотиш орқали ҳам кўпайиб боришини эътироф этмоқчимиз.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ш. Абдуллаева ва А. Омоновлар банк капиталига қуйидагича таъриф беришган: “Тижорат банкларининг капитали барқарор манбаа бўлиб банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зараларни қоплаш имкониятини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир”.¹⁶ Бу ерда ҳам юқоридаги фикрлар каби банк капиталининг ҳимоя воситаси эканлигига урғу берилган ва унинг барқарор манбаа эканлиги эътироф этилган.

Бизнинг фикримизча банк капитали тўғрисида тўхталганда энг аввало, унинг таъсисчилари томонидан фаолият юритиш учун махсус лицензия олишга қадар ташкил этилиши лозим бўлган маблағларни назардан четда қолдирмаслик лозим.

Хозирги даврда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик

12 Крис Дж Барлтон ва Д Мак-Нотон « Банковские учреждения в развивающихся странах », 2 том. Всемирный банк Вашингтон, Д.С 1992г. С-101.

13 Банковское дело под ред. Проф. И.О.Лаврушина М- «Ф и С» 2001г. С-74.

14 Ўлмасов А. Ваҳобов. А. Иқтисодиёт назарияси. – Шарқ. 2006.- Б. 161.

15 Ўлмасов А. Ваҳобов. А. Иқтисодиёт назарияси. – Шарқ. 2006.- Б. 161.

16 Абдуллаева Ш., Омонов А. «Тижорат банкларининг капитали ва уни бошқариш» Т.: «Иқтисод-молия». Б-10.

даражасини белгилашда Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Базель қўмитаси фаолиятининг асосий йўналиши банк тизими учун ўз капиталига сифат ва миқдор жиҳатдан етарли талабларни ўрнатиш йули билан мустаҳкам фаолиятни таъминлашдан иборатдир. Бу ўринда асосий ҳужжат бўлиб, 1988 йилда Марказий банк вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилда амалиётга жорий қилинган капитал ва риск буйича Базель-І келишуви ҳисобланиб, унда капитал етарлилиги меъёрини ҳисоблаш услуги келтирилган.

Капитал етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мазкур услуб капитал суммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликка асосланади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларнинг жами миқдорига ёки потенциал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қуйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдорига нисбати билан аниқланади.

Ушбу стандартда капитал сифат жиҳатидан иккита йирик қисмга ажратилган ва уларнинг хар бирига нисбатан етарлилик даражаси аниқланган. Базель стандарти бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилиги аниқланаётганда уларнинг активлари риск даражасига кўра ўзаро фарқланади. Шунингдек, ушбу стандарт тижорат банкларининг балансдан ташқари активларининг риск даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилигини таъминлашни назарда тутди.

Халқаро Базель стандарти бўйича банкларнинг асосий капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши лозим. Шу сабабли, Базель қўмитасининг талабига кўра, асосий капиталнинг таркибига қуйидаги манбаларгина киритилиши лозим:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- банкнинг эмиссион даромади;
- захира капитали;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум.

Базель-II талабларини жорий этиш бўйича Марказий банк асосий роль ўйнайди. Янги талаблар Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатларда, риск - менежмент усулларида ва технологияларда ҳам акс эттирилиши лозим.

Хорижий банк амалиёти тажрибаларини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ қилиш натижасида тижорат банклари капитали манбааларини шакллантиришда даромаднинг улушининг миқдори қай даражада бўлиши лозимлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Қуйидаги жадвалда мазкур изланишимизнинг натижасида банк капитали манбалари ва уларни шакллантиришда даромаднинг улуши қандай даражада бўлиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тижорат банклари капитали таркиби ва уларнинг манбаалари¹⁷

Банк капитали таркиби	улуши %	Манбаси
Устав капитали	37	банк таъсисчилири ва акциядорлари маблағи
Кўшимча капитал	6	банк акциядорларининг бозор ва реал қийматлари ўртасидаги фарқ
Захира капитали	28	банк даромади (фойдаси)
Тақсимланмаган фойда	11	банк даромади (фойдаси)
Жорий йилнинг соф фойдаси	10	банк даромади (фойдаси)
Субординациялашган қарз мажбурятлари	-	банк кредиторлари маблағлари
Консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар	8	банк даромади (фойдаси)
Жами	100	

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, банк капитали манбаларининг 57 фоизини даромад ташкил этмоқда. Албатта бу юқори улуш ҳисобланиб, биринчидан банк капитали таркибида арзон молиявий ресурслар манбасини ошишига хизмат қилса, иккинчидан банк ушбу маблағлардан эркин фойдаланиш, айниқса захира капиталидан фойдаланиш имконияти ортади. Бу ўз навбатида тижорат банклари капиталини шакллантиришда даромаднинг ролини янада оширишга хизмат қилади.


Диссертация ишининг “**Тижорат банклари капиталлашув даражаси ва уни оширишда даромадларнинг ўрни**” номли иккинчи бобида тижорат банклари капиталлашув даражасининг амалдаги ҳолати тадқиқ ва таҳлил қилинган, шунингдек мазкур бобда тижорат банклари капиталлашувига йўналтирилган даромадлар динамикаси бир қатор мамлакатимиз тижорат банклари амалий ҳисоботлари асосида келтирилган бўлиб, уларни таҳлили натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Банклар пайдо бўлгандан бошлаб уларнинг дастлабки сармоясини, капитали даражасига муҳим масала сифатида эътибор қаратилган. 2008 йилдан бошланган жaxon молиявий иқтисодий инқирози банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда уларнинг капиталлашув даражасини ошириб бориш энг муҳим иқтисодий масалалардан бири эканлигини яна бир бор исботлади. Қуйидаги расмда тижорат банклари жами капитали динамикаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тижорат банклари капиталини ошириш юзасидан қисқа муддат ичида республика аҳамиятига эга бўлган бир қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши мазкур масаланинг нақадар долзарб эканлигидан далолат

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди www.cbu.uz

беради ва уларнинг бажарилиши банклар капиталининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.



1-расм. Тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, (йил бошига, млн сўм)¹⁸

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг жами капитали йилдан йилга ўсиб бормокда. Унинг миқдори 2015 йилнинг бошида 7,3 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 26,6 трлн. сўмга етди. Ушбу даврда тижорат банклари капитали қарийб беш бараварга, яъни 3,6 мартага ошди.

2 -жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
капиталининг таркиби ва динамикаси¹⁹**

(31 декабрь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)

Капитал манбалари	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Устав капитали	68,9	64,6	69,8	61,7
Қўшимча капитал	0,5	0,5	0,3	0,3
Захира капитали	15,3	16,3	8,7	11,0
Тақсимланмаган фойда	15,3	18,6	12,1	14,9
Жорий йилнинг соф фойдаси			9,1	12,0
Субординациялашган қарз мажбуриятлари			9,1	12,0
Жами капитал	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари устав капитали жами капитал таркибида 2018 йил 31 январь ҳолатига 2015 йил 31 декабрь 5,2 фоизга ҳолатига пасайганлигини кўришимиз мумкин, бироқ устав капитали таҳлил этилаётган давр мобайнида абсолют суммада ошиб бормокда.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари жами капитали таркибида устав капитали улушини пасайишига йўл қўмаслик лозим, чунки ушбу манба, биринчидан барқарор маъна ҳисобланади, иккинчидан жалб қилинган маблағларга нисбатан арзон молиявий маблағлардандир. Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари капитали таркибида

¹⁸ www.cbu.uz.- интернет сайти маълумотлари асосида тузилди.

¹⁹ www.cbu.uz.- интернет сайти маълумотлари асосида тузилди.

кўшимча капитал улушини ҳам пасайишига йўл қўймаслик лозим. Таҳлил даврида банкларнинг кўшимча капиталининг банк капиталидаги улуши ҳам кам миқдорда 2017 йилда 0,5 фоизни ташкил этган бўлса 2018 ва 2019 йил 1 январь ҳолатига келиб бу кўрсаткич 0,2 фоизга пунктига камайиб 0,3 фоизни, яъни ушбу маънбанинг улуши жуда паст даражани ташкил этади, бу албатта мамлакатимиз тижорат банклари акцияларининг молия бозорларида нуфузи пастлигидан ва олди-сотди жараёни шаффофсиз эканлигидан далолат беради.

Маълумки, тижорат банкларининг устав капитали асосан фаолият қўламини кенгайтириш мақсадида янги филиаллар ва минибанкларни очиш учун, узоқ муддатли инвестицияларни амалга оширишга йўналтирилади. Бу эса албатта келгусида кўшимча равишда даромад олишнинг манбаи ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида янги техника ва технологияларни жорий этиш модернизация жараёнларини тезлаштириш учун хизмат қилади.

Шунингдек таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банклари жами капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳамда консолидациялашган шўъба корхоналарга қилинган қўйилмалар юзага келмаган.

Тижорат банкларида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлар бозоридаги мавқеининг заифлигидан далолат беради. Чунки субординациялашган қарз мажбуриятлари тижорат банкларига узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва кам харажатли воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон тижорат банклари капиталлашув жараёнини АТ “Агробанк” мисолида кўриб чиқамиз.

3-жадвал

АТ “Агробанк”нинг капиталлашув даражаси²⁰

(йил бошига, млрд сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2015й.		2016й.		2017й.		2018й.	
	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%
Устав капитали	263,5	63,7	317,6	67,6	367,6	69,1	1335,5	97,2
Кўшимча капитал	1,4	0,3	1,4	0,3	1,4	0,3	1,4	0,1
Захира капитали	126	30,5	122,3	26,0	130	24,4	14,2	1,0
Тақсимланмаган фойда	22,8	5,5	28,3	6,0	32,7	6,2	22,7	1,7
Жами капитал	413,7	100	469,6	100	531,7	100	1373,8	100

3-жадвал маълумотларига назар ташласак, таҳлил қилинаётган даврда 2015-2018 йилларда АТ “Агробанк”нинг устав капитали қарийб 5,0 мартага кўпайган, бироқ шу йилларда унинг кўшимча капитали ва тақсимланмаган фойдаси деярли ўзгаришсиз қолган, захира капитали 8,8 мартага камайган. Демак, бу ҳолатга баҳо берадиган бўлсак, банкнинг

²⁰ www.agrobank.uz-интернет сайти маълумотлари асосида тузилди.

акциялари баҳоси юқори эмас, шунингдек уларнинг олди-содитси жуда заиф, банк заихра капиталини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширмаган. Бунинг сабаби АТ “Агробанк”нинг фойдаси бунга имконият бермайди, чунки таҳлил этилаётган даврда тақсманланмаган фойдаси ҳам ошмаган. Бизнинг фикримизча, банкнинг капиталлашув даражасида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, асосан унинг манбалари қиммат маблағлар ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Тадқиқотимизни республикамизнинг йирик тижорат банки ҳисобланган АТ “Туронбанк”нинг капиталлашув даражасини таҳлил қилишга қаратамиз.

4-жадвал

АТ “Туронбанк”нинг капиталлашув даражаси²¹

(йил бошига, млрд сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2015й.		2016й.		2017й.		2018й.	
	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%
Устав капитал	48,7	78,9	52,7	68,4	52,7	61,9	280,6	86,9
Қўшимча капитал	0,1	0,2	0,2	0,3	0,2	0,2	0,2	0,1
Захира капитал	0	0,0	1,3	1,7	0	0,0	0	0,0
Тақсимланмаган фойда	12,9	20,9	22,9	29,7	32,2	37,8	42,1	13,0
Жами капитал	61,7	100	77,1	100	85,1	100	322,9	100

Юқорида келтириб ўтилган жадвал маълумотларига кўра АТ “Туронбанк”нинг устав капитал 5,7 мартага ошган, шунингдек 2018 йилда жами капитал таркибида 86,9 фоизни ташкил этган. Банкнинг қўшимча капитал ва захира капиталини шакллантириш бўйича муаммолар мавжуд бўлиб, бу АТ “Туронбанк”нинг акциялари қимматли қоғозлар бозорда яхши ривожламаганлиги ва нуфузга эга эмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари банкнинг капиталлашув даражаси қиммат маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Маълумки, тижорат банклари капиталини шакллантиришда даромад муҳим ва арзон молиявий маблағлар манбаси бўлиб ҳисобланади. Шу боис, тадқиқотни мамлакатимиз тижорат банклари даромад ва харажатларини таҳлиliga қаратмоқчимиз. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон тижорат банкларининг 2015-2018 йилларда даромада ва харажатлари таркиби ва динамикаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари даромадлари таркибида фоизсиз даромадларнинг улуши юқорилигича қолмоқда. Масалан, 2015 йилда банкларнинг ушбу даромад манбаси жами даромадларнинг 48 фоизини ташкил этган бўлса, 2018 йила 31 фоиздан иборат бўлган. Бизнинг фикримизча, банкларнинг фоизли даромадлари жами даромадлар таркибида 80 фоиздан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ, чунки банкнинг ушбу даромадлари бевосита уларнинг аҳоли ва хўжалик субъектларини кредитлаш, инвестицион ва шу каби актив

²¹ www.turonbank.uz.- интернет сайти маълумотлари асосида ҳисобланди.

операциялари, яъни банкнинг асосий фаолияти ҳисобидан ташкил топади, фоизсиз даромадларнинг манбаси эса асосан мижозларнинг ҳисоб-варақалари бўйича дебет айланмалари ҳисобидан олинadиган даромадларидан вужудга келади, шу боис даромаднинг ушбу манбасини даромадлар таркибидаги улушини 15-20 фоизгача пасайтириш мақсадга мувофиқ.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари даромадлилик кўрсаткичлари²²

(йил охирига, млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2015й.		2016й.		2017й.		2018й.	
	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Фоизли даромадлар	3 205	52	5 293	61	7 960	54	14 517	69
Фоизли харажатлар	2 353	41	3 075	46	4 623	43	8 355	55
Фоизсиз даромадлар	2 983	48	3 404	39	6 917	46	6 564	31
Фоизсиз харажатлар	480	8	629	9	1 943	18	1 343	9
Операцион харажатлар	2 910	51	3 014	45	4 138	39	5 583	37
Жами даромадлар	6 188	100	8 697	100	14 877	100	21 081	100
Жами харажатлар	5 743	100	6 719	100	10 704	100	15 281	100
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин зарарларни баҳолаш	307	5	439	7	1 632	15	1 746	11
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	52	1	74	1	279	3	196	1
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	1 026	17	1 465	17	2 263	15	3 858	18
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	218	21	311	21	380	17	659	17
Фойда бўйича тузатишлар	1	0	1	0	2	0		0
Соф фойда	807	13	1 153	13	1 881	13	3 200	15

Тижорат банклари харажатлари таркибини кўрадиган бўлсак, харажатлар таркибида фоизсиз харажатлар салмоқли улушни ташкил этмоқда. Масалан, 2015 йилда ушбу манба 59 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 46 фоизга ёки 13 пунктга камайган. Фикримизча, бу улушни янада пасайтириш мақсадга мувофиқ, чунки жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак ушбу харажатларнинг 37 фоизи операцион харажатлар ҳиссасига тўғри келмоқда, буни янада камайтириш мақсадида тижорат банкларининг рақамли хизматлари ва мижозларга масофадан туриб кўрсатадиган хизматлар турлари ва сифатини ошириш лозим.

Диссертациянинг “Тижорат банклари капиталлашув даражасини даромадлар орқали ошириш истиқболлари” деб номланган учинчи бобида тижорат банклари капиталлашув даражасини даромадлар орқали ошириш борасидаги муаммолар келтирилган ва уларнинг ечимлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек диссертация ишининг мазкур бобида

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил ҳисобланди.

тижорат банклари капиталлашув даражасини даромадлар орқали ошириш йўллари аниқлаб берилган.

